



Катагон йиллари халкимиз бошига тушган энг қора кунлар сифатида тарих саҳифаларида муҳрланди. Катагон дейилса, кўпчилик 30-йилларнинг охирини тушунса-да, аслида у 1924 йилдан бошлаб босқичма-босқич давом этди. Мустабид тузум раҳбар лавозимларда ишлаш учун Москвадан Ўзбекистонга ўзининг садокатли ходимлари, вакиллари узлуксиз юбориб турди. Улар ёрдамида ўлка ҳаётида кечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб, маҳаллий кадрлар фаолиятини кузатиб, назорат қилиб борди. Халки, ватанининг манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг истикболини кўзлаган, бунга ўзида қуч-ирода топиб, ҳақиқатга тик қарашга журъат қила олган юрtdошларимиз бирин-кетин марказнинг қаҳрига дучор бўлдилар.

30-йилларга келиб, партия ҳамма жаҳада ҳукмрон бўлиб олгач, деярли барча соҳа ва йўналишлардан “халқ душманлари”ни излаб топиш ва уларнинг “кўпоровчилик фаолиятини” фoш қилиш авж олди. Ҳукуматтомонидан маданий-оқартув муассасалари: кизил чойхоналар, клублар, маданиятсаройлари. турли кўргазмали ишларташқил қилинди ва уларда тарғибот-ташвиқот ишларига жиддий эътибор қаратилди. Зеро, ҳар қайси халқни ўтмишидан, маданиятидан маҳрум этилса, уларнинг онгига ҳар қандай мафқурани сингдириш, исталган қўйга солиш мумкин бўлади. Шунга қўра ташқил этилган бундай “қизил” жойларни ривожлантириш учун бир қанча сиёсий талаблар ишлаб

чикилди. Хўш, бутадбирлар кай усулда амалга оширилди?

Энг аввало мадраса ва масжидлар эскилик саркити, хурофот ўчоги деб ёпиб ташланди, диндорлар социализм душманларига айлантирилди, уйдан араб имлосидаги китоб топилган кишилар камокка олинди. Шундан сўнг халқ орасидаги фидойи инсонларни йўқотиш чоралари кўрилди: улар огмачилик, бузгунчиликда айбланиб, номига халқ душмани, миллатчи, аксилинкилобчи, буржуа малайлари каби лаънаттамгаси тиркалди. Зиёли ва тараккийпарвар ўзбек миллий кадрлари шаънини булгашга қаратилган “ўн саккизлар гуруҳи” (1925 й.), “иногомвчилик” (1926 й.), “косимовчилик” (1929 й.) (История Узбекистана, с. 32 (тегишли адабиётлар ўша ерда берилган).) каби асоссиз бўхтонлар уюштирилди.

Шу тариқа 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда гўё Республика раҳбарлари Акмал Икромов (1898-1938) ва Файзулла Хўжаев (1896-1938) бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилинкилобий маркази”, Абдувоҳид Абдурауфқориев (Абдувоҳид Абдурауфқориев (1858-1937) - 1917-1918 йилларда “Шўрои исломийнинг биринчи раиси бўлган. 1933 йили хибсга олинган.) раҳбарлигида “Мусулмон рухонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, “Аксилинкилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати” аксилинкилобий ташкилоти. Исроил Ортиков бошчилигида “Ёшларнинг аксилинкилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-кўпоровчилик резидентураси” каби “аксил-инкилобий тузилмалар” борлиги тўғриби чиқарилди. Бугунги кунда сўнгги маълумотлар, тарихий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш аслида бундай ташкилотлар умуман бўлмаганини тасдиқлайди.

Давр тақозосига кўра бундай тухматлар диний арбобларга ҳам тиркалди. Зеро, коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби, деб ҳисобларди. Шунинг учун динни камситиш, рухонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳасига айлантириб қўйилди. 30-йилларда юзлаб дин арбоблар куламолар, мударрислар, борингки, қаерда илмли киши бўлса, бари “босмачиларга ёрдам бергани учун”, Англия ёки Туркия фойдасига “жосуслик қилгани учун”, “Туркистон мухторияти аъзоси бўлгани учун” каби ясама айбловлар билан жавобгарликка тортилди. Халқимиз учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият саналган кўплаб обидалар динга алоқадорлик важдан харобага айлантирилди. Шундан сўнг собиқ Совет республикаларидаги мусулмонлар орасида чин маънодаги билимдон мураббийлар қамайиб кетди. Имом Хасанхон Абдулмажидов, Хожи Акбархон Мухитдинов, Усмон Содиков, Умар Икромов, Мулла Али Шермухамедов, Исроил Иноятов, Фузаил махсум Шамсиддинов. Абдулла қори Йўлдошев, Тиллатўра Қосимтўраев, Насруллахон Хошимов, Шорасул қори Қорабоев, Нишон қори Раҳматуллаев каби даврининг кўзга кўринган уламолари турмага ташланди, кўплари камокда вафот этди. 1937-1939-йилларнинг ўзида Ўзбекистонда 43 мингдан зиёд киши камокка олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг нафари эса турли муддатли камок ва сургунларга ҳукм этилган.

Бирок бу катагону қийноқлар, тақиблару тазйиқлар халқимиз онги ва шууридан динга бўлган муҳаббат, имон-эътиқодни чиқариб ташлай олмади. Уламолар, зиёлиларга бўлган эҳтиром сўнмади. Президентимизнинг бу борадаги ҳулоаси барчамиз учун айна муддаодир: “Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар тегарканки

кетганккуни ҳеч қандай қуч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифода қилиш мумкинлиги, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида қўр-қўрона ҳукм чиқариб бўлмайди". (Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. "Туркистон-пресс" агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар. Тошкент, 1999, б. 7.)

"Ўзбекистон Уламолари" китобидан